

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСЙ ГАЗЕТАСИ

№ 118 (10.423)

2005 ЙИЛ 20 ИЮНЬ

## ЯГОНА МЕЗОН – ЎЗБЕКИСТОН МАНФААТИ ВА ЯНА БИР БОР ЎЗБЕКИСТОН МАНФААТИ

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов шу йил 16-17 июнь кунлари ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши билан танишиш мақсадида Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида сафарда бўлди

### ВАТАН ОСТАНАДАН БОШЛАНАДИ

Юртбошимизнинг мазкур ташири домида асосий эътибор мамлакатимизнинг тинчлиги ва осойишталигини мустаҳкамлаш, жанубий сарҳадларимизнинг дахлсизлигини таъминлаш масаласига қаратилди. Бугунги мураккаб ва таҳликали замонда халқаро майдонда тинчлик ва барқарорликка нисбатан турли таҳдидлар кучайиб бораётган бир пайтда бу масаланинг ўта долзарб аҳамият касб этиши барчага аён, албатта.

Агар Марказий Осиё минтақаси, хусусан, Ўзбекистон геостратегик макъеи билан жажондаги кўплаб катта-кичик давлатлар ва сиёсий кучларнинг эътибори ва қизиқишини ўзига тортиб келаётганини инобатга оладиган бўлсак, бу масаланинг моҳияти янада ойдинлашади.

Давлатимиз раҳбари дастлаб Термиз шаҳри ва Сарйосиё туманида бўлиб, Афғонистон ва Тожикистон билан туташ худудларимиздаги бугунги ҳолат билан танишиб, бу ерда хизмат қилаётган ватан посбонлари, чегарачи ҳамда боҳжона хизматчилари билан учрашувлар ўтказди.

Бўлиб ўтган суҳбатлар чоғида Президент Ислам Каримов Андижон воқеалари ҳақида яна бир бор фикр билдириб, ана шу фожианинг сабаб ва оқибатлари ҳамда ундан келиб чиқадиган сабоқ ва хулосалар тўғрисида атрофлича тўхтади.

Маълумки, Юртбошимиз 14 май куни Тошкент шаҳрида ўтказилган матбуот конференциясида Қирғизистон мисолида бирор-бир давлат ёки худуддаги нотинч вазият, қарама-қаршилик, фуқаролар уруши ёки барқарорликнинг бузилиши билан боғлиқ ҳодисалар ҳеч қачон шу худуд чегарасида узоқ вақт сақланиб қолмаслиги, уларнинг эртामी-кечми чегаралардан ошиб, кўшни давлатлар худудига тарқалиб кетиши мўқаррар экани ҳақида ташвиш ва изтироб билан гапирган эди.

Шу ўринда айтиш керакки, Андижон шаҳрида содир этилган террорчилик ҳаракатлари Ўзбекистон ҳаётида тасодифан бўлган воқеа эмаслиги вақт ўтган сари тобора аён бўлмоқда. Олиб борилаётган дастлабки тергов ишлари натижасида бу машъум сиёсий фитнага олдиндан пухта тайёргарлик кўрилгани, уни амалга ошириш билан боғлиқ қабих режалар қачон ва қаерларда ишлаб чиқилгани, кимлар бу ҳаракатнинг ташкилотчиси экани

нини кўрсатадиган далил ва маълумотлар кўлга киритилмоқда.

Сурхондарё вилоятида жойлашган ҳарбий қисм аскарлари ва офицерлари билан бўлиб ўтган суҳбат чоғида давлатимиз раҳбари бир ҳолатга эътибор қаратди. Яъни, Андижондаги жиноий ҳаракатларнинг иштирокчилари — уларнинг номи «хизб-ут-таҳрир»чи ёки «акромий» бўладими, бундан қатъи назар, бу ғаламис кимсаларнинг кирдикорлари халқимиз, жамоатчилигимиз учун янгилик эмас. Уларнинг ёвуз ният ва уришилари нимага қаратилгани ҳам биз учун сир эмас. Биз бундай бузғунчи тўдаларнинг мақсадларини 1991 йилдан бошлаб дастлаб Наманганда, кейинчалик 1999 йил февраль воқеаларида, 2000 йилда Янгиобод, Сарйосиё, Узун ва Бурчимуллада, 2004 йилда Ромитан тумани ва Тошкент шаҳрида амалга оширилган кўпуровчиликлар мисолида кўрган эдик.

Аслида бу разил кўчларнинг номи ҳар хил, лекин мақсади бир, деб таъкидлади Ислам Каримов. Содда одамларни ёлгон ваъдалар билан лақиллатиш, юртимиздаги конституциявий тузумни, қўнуий ҳукуматни зўрлик билан ағдартишга уриниш, тинч-осойишта ҳаётни издан чиқариш, шу тарика Ўзбекистонни ўз танлаган тараққиёт йўлидан қайтариш, мамлакатимизнинг мустақил сиёсат олиб бориш ҳаракатига йўл бермаслик ва охири-оқибатда ўзига қарам қилиб, унинг ноёб бойликлари, ер ости захираларига эгалик қилиш — мана уларнинг асл нияти. Шу йўл билан улар ўзларнинг узоқ ва давомли геостратегик режаларини амалга оширмоқчи.

Андижонда содир этилган фожа иштирокчилари ақлини йўқотган, халқнинг тинч ҳаётини кўролмайдиган қора кўчлар экани фош бўлмоқда. Лекин бугунги вазиятнинг хавфли томони шундаки, бу террорчи тўдаларнинг ортида улардан ўз манфаати йўлида фойдаланишни кўзлаган, катта маблаг ва таъсирга эга сиёсий кўчлар турганини тушуниш қийин эмас.

Ҳеч шубҳасиз, бундай кирдикорлар эртामी-кечми барибир очилади, аммо одамларимиз ўз фикри, ақл-зокаватига таяниб, Андижонда рўй берган воқеалар атрофида айрим хорижий мамлакатларда баъзи оммавий ахборот воситаларида кўтарилаётган шов-шув ва уйдирмалар кимнинг манфаатига хизмат қилишини англаб олишини истардим, деди Ислам Каримов.

Давоми 2-бетда.

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ «ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ» ХАЛҚАРО МУСИҚА ФЕСТИВАЛИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Самарқанд шаҳрида 1997 йилдан бунён ўтказиб келинаётган аъёнаний «Шарқ тароналари» халқаро музика фестивали қисқа муддатда жаҳондаги нуфузли музика анжуманлари каторидан муносиб ўрин эгаллади. Кўплаб давлатлар, халқаро маданият ташкилотлари, дунё миқёсида танилган машҳур санъат намояндаларининг бу фестивалга бўлган қизиқиши ва эътибори ортиб, иштирокчи мамлакатлар сафи кенгайиб бораётгани бунинг яққол далилидир.

Асосий гоёси инсонларни гўзаллик, нафосат ва эзуликка даъват этиш, дунё халқларининг ноёб музикаий мероси ва аъёнларини асраб-авайлаш ва ривожлантиришдан иборат бўлган «Шарқ тароналари» музика фестивали тили, маданияти, миллий кадрларига ранг-баранг бўлган турли миллат ва элатларни санъат воситасида муштарак мақсадлар йўлида яқинлаштиришга, Ўзбекистоннинг жаҳон миқёсидаги обрў-этибори ортишига хизмат қилаётганини қайд этиш зарур.

Айниқса, бугунги нотинч ва таҳликали замонда ёвузлик ва жаҳолатнинг ҳар қандай кўринишларига қарши маърифат асосида курашиш, халқимиз маънавияти, унинг кўп асрлик музика хазинасини бойлигида мазкур фестивалнинг роли ва аҳамияти янада кучайиб бормоқда.

Шу муносабат билан 2005 йилнинг 25-30 август кунлари Самарқанд шаҳридаги Регистон майдонида бўлиб ўтадиган «Шарқ тароналари» 5-халқаро музика фестивалини юксак гоёвий-бадийий даражада, уюшқоқлик билан ўтказиш мақсадида:

1. «Шарқ тароналари» халқаро музика фестивалига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий кўмита таркиби 1-иловага, фестивалнинг тантанали очилиш ва ёпилиш маросимлари учун бадийий дастурлар яратиш бўйича ижодий гуруҳ таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Ташкилий кўмита ун кун муддатда фестивалга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш режасини, анжуманнинг тантанали очилиш ва ёпилиш маросимлари ҳамда уни ўтказиш билан боғлиқ бошқа тадбирларнинг бадийий сценарийларини ишлаб чиқсин.
3. Фестивалга тайёргарлик кўриш ва бадийий дастурларнинг сценарийларини ишлаб чиқишда қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратилсин:

- Шарқ музикаси — Шарқ цивилизацияси ва маданиятининг узвий бир қисми, инсоният таъақурининг бебаҳо хазинаси эканини, унинг аҳамияти ва моҳиятини ақс эттириш;
- турли миллат ва элатларнинг музика санъати воситасида ўзаро яқинлаштириш гоёсини бадийий талқин этиш;
- халқлар ўртасидаги дўстлик, биродарлик ва ҳамкорликни, чин инсоний фазилатларни улуғлаш;
- юртимизнинг, жумладан, Самарқанд шаҳрининг жаҳон тарихида тутган ўрни ва аҳамияти, умумбашарий маданият ривожига қўшган улкан ҳиссасини, бой музикаий меросимизни кенг намойён этиш;
- ёш авлод қалбида санъатга бўлган меҳр ва илҳос туйғуларини камол топтириш;
- мумотоз шарқ музика санъати инсонларни гуманизм ва эзулик руҳида тарбиялашда, жаҳолатга қарши маърифат билан курашда таъсирчан восита бўлиб хизмат қилишини ёрқин ифода этиш.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қўнун ҳужжатлари мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгаришлар ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Бош вазир Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти  
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,  
2005 йил 15 июнь

## XXI саҳоси

Барча мавбалардан  
олинган сўнғий хабарлар

### Мамлакатимизда

- Аввал хабар берганимиздек, 18 июнь куни пойтахтимизда, республика ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг «NBU-OSIYO» спорт-соғломлаштириш маркази ўйингоҳида «Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди» шiori остида ёшларнинг ватанпарварлик фестивали ўтказилди.
- «Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий ма-

салалар кўмитасида «Оналик ва болаликни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асослари» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

- Самарқанд вилоят ҳокимлиги, вилоят халқ таълими бошқармаси ва Каттақўрғон туман ҳокимлиги ҳамкорлигида «2004-2009 йилларда мактаб таълимининг ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури»нинг ижроси, ёзги таътилни уюшқоқлик билан ташкил этиш ва битирувчиларни таълимнинг кейинги жараёнларига жалб этиш масалаларига бағишланган семинар ўтказилди.
- Эллиққалъа туманидаги «Тоза Амиробод» ширкат хўжалигида барча қулайликларга эга бўлган замонавий стадион фойдаланишга топширилди.
- Наманганда бадийий гимнасти-

кани ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Вилоятнинг Тўрақўрғон тумани марказида бадийий гимнастика мактаби очилди.



### Жаҳонда

- Брюсселда Европа Иттифоқи саммити очилди. Бу саммит ЕИ тарихида энг жиддий инқироз юз бериб турган вазиятда қақирилди. Иттифоққа аъзо 25 мамлакат раҳбарлари Франция ва Нидерландияда конституция бўйича ўтказилган референдум муваффақиятсиз туғадиган кейин юзгага келган қалтис вазиятдан чиқиш йўллари кидирилмоқда.
- Германия парламенти Туркия-

га мувожаат қилиб, 1915-1918 йиллар давомида арманларнинг Усмоғиллар империясидан чиқариб юборилиши ҳоллари бўйича тергов ўтказишга қақирди. Туркия ташқи ишлар вазир Абдуллоҳ Гул Германия депутатлари мувожаатини «масъулиятсизлик ва ҳақорат намунаси» деб атади.

- АКШ БМТнинг Хавфсизлик Кенгаши меъёрида кенгайишини қўллаб-қувватлаган ҳолда кейинги ҳафтада Бош Ассамблеяда бу масала бўйича ўз нуқтаи назарини баён этишни маълум қилди. БМТнинг Хавфсизлик Кенгашидаги ўринларига Япония, Германия, Бразилия ва Ҳиндистон мамлакатлари даъвогар.

# ЯГОНА МЕЗОН – ЎЗБЕКИСТОН МАНФААТИ ВА ЯНА БИР БОР ЎЗБЕКИСТОН МАНФААТИ «ДЕМОКРАТИЯ — ХАЛҚ ХОҲИШ-ИРОДАСИНING ҲУКМРОНЛИГИ...»

Қашқадарё вилояти ҳокимлиги биносига воҳа фаоллари ва жамоатчилиги билан бўлиб ўтган учрашувда Президент жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш билан боғлиқ стратегик мақсадлар ҳақида атрофича сўз юритди.

Биз Ўзбекистонда демократик жамият барпо этиш йўлида мустақиллигимизнинг биринчи кунларидан бошлаб меҳнат қилиб келмоқдамиз. Биз демократияни кимгадир ёқши, кимгадир ҳисоб бериш учун эмас, балки у бизнинг пировард мақсадларимизга жавоб бергани, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг асосий омил бўлгани учун қурмоқдамиз.

Лекин демократияни кўр-кўрона қўчириб, бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга экспорт қилиб бўлмайди. У ҳар қайси халқнинг минг йиллик анъаналари, миллий кадриятлари ва замонавий дунёқароши негизда табиий равишда вужудга келиши лозим. Тарих ва ҳаёт тажрибаси шуни кўрсатадики, демократияга ҳар қандай жамият босқичма-босқич эришган тақдирдагина у самара бериши мумкин.

Демократия — бу халқ хоҳиш-иродасининг ҳукмронлигидир, деб таъкидлади Исло Каримов. Шу боис ҳам бугун мамлакатимизда олиб борилаётган давлат сиёсатининг маъно-моҳияти, мезони битта — у ҳам бўлса, Ўзбекистон манфаати ва яна бир бор Ўзбекистон манфаати.

## «БИЗЛАР ИШЛАЯМИЗ, БУ МЕҲНАТ, ХОЛОС...»

Бугун бепеён Ўзбекистоннинг қайси вилоят, шаҳар ёки туманига борманг, ҳамма жойда одамлар қизгин меҳнат билан банд эканини кўрасиз. Айниқса, захматқаш деҳқонларнинг қўли-қўлига тегмайди. Қишлоқда иш қайнаб ётибди. Бир томонда - пилла терими якунига етаётган бўлса, бир томонда — галла ўрими жадал давом этмоқда, ям-яшил далаларда эса ёўза парвариши авждида.

Айрим қўшилларимиз митинг-бозилқ, идораларни навбатма- навбат босиб олиш, мулк жанжаллари билан овора бўлган бир пайтда юртимизнинг фидойи инсонлари, қирқ даража иссиққа қарамасдан, ўз вазифаси, меҳнат бурчини тинчлик-хотир-хамлик билан адо этмоқда.

Исло Каримов ҳар икки вилоятда ишининг кўзини биладиган, тажрибали, кўпни кўрган деҳқонлар билан суҳбатда бўлиб, уларнинг меҳнати, уй-кечинилари, ҳаётий режалари билан қизиқди.

Бошда давлат раҳбарининг бироз салобати босиб турган пахтакор ва галла-қорлар Юртбошимиз содда, самимий, расмиётчиликдан холи муомаласидан сўнг очилиб кетиб, чин дилдан гурунг қилишди. Сарийосё туманидаги Г.Хидиров ва Й.Охунбоев номидаги, Қарши туманидаги «Бешкент» ширкат ҳўжаликларида пудратчилар билан бўлган суҳбатлар чоғида ҳам асосан гап қишлоқдаги бугунги ҳаёт ҳақида борди.

Қишлоқда деҳқончилик маданиятини янада юксалтириш, ер унумдорлигини ва деҳқонларнинг даромадини ошириш, қишлоқ ҳўжалиги ходимлари меҳнатини рағбатлантириш, уларга тегишли шароит яратиш бериш, янги иш ўринларини яратиш, ишни тўғри ва самарали ташкил этиш билан боғлиқ муаммолар ҳақида фикр алмашилди.

Яқин-яқингача ҳар гектар ердан 40-50 центнер галла ҳосили кўтариш ўзига хос рекорд ҳисобланар экди. Эндиликда илгор фермерлар, пудратчилар учун 70-75 центнер ҳосил олиш одатий ҳолга айланиб, Қашқадарё ва Сурхондарёда ҳам бундай ҳўжалик ва фермерлар сафи кенгайиб бораётгани ҳар қандай одами албатта қувонтиради.

Бугунги кунда фермерлик қишлоқ ҳўжалигини юритишнинг бошқа усулларидан афзал ва устун эканини деҳқонларимиз ҳам, соҳа мутасаддилари ҳам ҳар томонлама тушуниб, эътироф этмоқда, деди Исло Каримов. Лекин асосий гап — ҳаракатни тўғри йўлга қўйишда, бунинг учун эса мазаланинг ҳамма томонини чуқур ўйлаб, етти ўлчаб бир кесиб керак. Кўп марта айтилганидек, ерни ҳақиқий эгасига — ўз даласига меҳр қўйган, деҳқончилик илмининг сир-синаотини, ишининг негизини биладиган, фидойи инсонларга топшириш керак.

## ФАРЗАНДЛАР БАХТИ — ҲАЁТИМИЗ МАЗМУНИ

Ўзбек халқи азалдан умрининг мазмунини фарзандлари келажагида, уларнинг камоли, бахту саодатида кўради. Умид билан ўғил-қиз ўстиради, уларнинг орзу-ҳавасини кўрай деб ният қилади. Халқимизнинг ана шундай азалий интилиши бугун Ўзбекистонда болалар ва ёшлар истиқболини ўйлаб амалга оширилаётган кўп қиррали давлат сиёсатининг замирида ўз ифодасини топмоқда.

Президент мамлакатимиз бўйлаб амалга оширадиган ҳар бир сафари чоғида имкон топиб албатта ёш авлод вакиллари билан учрашишга, таълим-тарбия масканлари фаолияти билан ақиндан танишишга интилади.

Бу гал ҳам Юртбошимиз, вақт тигизлигига қарамасдан, Сарийосё туманида барпо этилган болалар спорт мажмуини бориб кўрди.

Ушбу замонавий спорт маскани мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш давлат дастури асосида бунёд этилган юзлаб иншоотлардан биридир.

Исло Каримов спорт мажмуида ёшлар учун яратилган шароитларни кўздан кечириб экан, «Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз ва ҳеч кимдан кам бўлмаймиз» деган шioriмининг маъно-мазмуни шундай масканлар мисолида яққол намоён бўлиши лозим, деб таъкидлади.

Қарши шаҳрининг марказида бунёд этилаётган болалар боғи ҳам давлатимиз раҳбарининг эътиборидан четда қолмади.

Шу мўъжазгина боғ ва унинг ёнида кад кўтараётган янги бозор қурилиши баҳонасида бу ердаги улкан бунёдкорлик иншоотлари, вилоят марказини том маънода замонавий шаҳарга айлантириш, Қаршининг 2700 йиллик тўйини ҳар томонлама муносиб нишонлаш ҳақида муҳим фикрлар, аниқ топшириқ ва амалий тавсиялар билдирилди. Чунки, бу кулгў тўй нафақат Қарши шаҳри ёки Қашқадарё вилояти, аниқ вақтда бутун Ўзбекистон ҳаётидаги буюк санандир.

Олдимизда мана шундай катта тўй-томшалар, яхши кунлар турибди. Халқимиз бугунги ҳаёт, эртанги кунга катта ишонч билан қарамокда. Бу ишончнинг негизиде муҳассам бўлган куч — бу ҳамюртларимиз онгу тафаккурида рўй бераётгани ижобий ўзгаришларда.

Сурхон замини ва Қашқа воҳасида яшаб меҳнат қилаётган одамларнинг қайфияти, орзу-интилишлари ана шу ўзгаришларнинг намоёндидир.

**Б. СУЛТОНОВ**  
ЎЗА

## ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири Бўритош МУСТАФОЕВ ЎЗА муҳбирига вазирлик бу ишда қандай иштирок этиши ҳақида сўзлаб берди:

— Авваламбор ушбу Фармонларнинг муҳимлиги ва ўз вақтида қабул қилинганини таъкидлашни истардим. Уларда белгилаб берилган чора-тадбирлар жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодий янада эркинлаштириш бўйича амалга оширилаётган кенг қўламли ишларнинг мантиқий давомидир. Бу

ҳукуматнинг 22 та фармон ва қарорлари, 8 та идоравий меъёрий ҳужжат қабул қилиниши кўзда тутилган.

Фармонга 2-иловада эса ўз кучини йўқотган деб ҳисобланиши лозим бўлган 40 та қонун ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат, шунингдек, ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш зарур бўлган бошқа ҳужжатлар рўйхати берилган.

Ва ниҳоят, Фармонга 3-иловада бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодий янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишларга мувофиқ қабул қилинган

## ТАДБИРКОРЛАР УЧУН ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР

Ўзбекистон Президенти Исло Каримовнинг куни кеча эълон қилинган «Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодий янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ва «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонларида тегишли давлат органларига мазкур ҳужжатларни амалда жорий этиш юзасидан тақлифлар ишлаб чиқиш бўйича аниқ топшириқлар берилган.

стратегик вазифалар Президент Исло Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма мажлисидаги маърузасида, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг янги таркиби билан учрашувдаги нутқида баён этилган эди.

Маълумки, тўлақонли қонунчилик асосини яратмай туриб қўзланган мақсадларга эришиб бўлмайди. Шу боис, жамиятимиз илгари ҳаракатланиши учун мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор яратиш мақсадида қонун ижодкорлиги фаолиятини қучайтириш вақти келди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг ижобий натижасини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда, уларнинг ўзига хос жиҳатлари — самарадорлик, босқичма-босқичлик ва изчилликдир.

Вазирлигимиз олдида турган муҳим вазифалардан бири — қонун чиқариш ва уни амалда қўллаш бўйича янада давлат сиёсати олиб борилишини таъминлашдан иборат. Шундан келиб чиқиб, ваъданикка кенг вақолатлар берилган. Жумладан, биз истисносиз, барча меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ҳуқуқий жиҳатдан экспертизадан ўтказамиз.

«Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодий янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонга келсак, бизга қонун ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари бўйича келишиш ва давлат ҳўқимияти органлари ва ҳўқуматга киритиш жараёнининг белгиланган тартибда амалга оширилишини мониторинг қилиш, уларнинг ҳуқуқий экспертизаси ҳамда идоравий меъёрий ҳужжатларнинг ўз вақтида рўйхатга олинишини таъминлаш вазифаси юклатилган.

Масалан, ҳозир «Ипотека ва уй-йўй қурилишини ипотека кредитлаш тўғрисида» қонун ташкилланмоқда. Адлия вазирлиги уни тайёрловчилар билан бирга қонунни ҳуқуқий экспертизадан ўтказмоқда, қабул қилинганда кейин эса унинг ижроси мониторинг қилинади. Шундан сўнг вазирлик ва идоралар ўз меъёрий ҳужжатларини бу қонунга мослаштиради, биз эса бу жараёни назорат қиламиз. 14 июндаги Фармонга 1-иловага кўра, 2005-2006 йиллар давомида 8 та ана шундай қонун қабул қилиниши мўлжалланмоқда. Қонунлардан ташқари, давлатимиз раҳбари ва

23 та меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат рўйхати берилган.

Юқорида зикр этилган рақамларнинг ўзидан қўришиб турибдики, жуда улкан иш қилиниши лозим. Ахир, гап қонунлар ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳақида бормоқда ва бу борада хатога йўл қўйиб бўлмайди. Ҳар томонлама таҳлил, батафсил экспертиза, аниқ келишув жараёни, ижрон назорат қилиш — шу ишлардаги ҳар бир босқич пушта ўйланган ёндашув, чуқур аниқлаш ва ҳатто олдидан кўра билишни талаб этади.

Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимига тааллуқли фармонга кўра, вазирлигимизга бошқа давлат органлари билан биргаликда ишларни судларда кўриб чиқиш тартибин янада такомиллаштириш ва содаллаштириш, қўшимча тоифадаги суд ишлари ҳисобга олган ҳолда судларнинг таркиби ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда мазкур фармонга биноан қонунчиликка киритиладиган ўзгариш ва қўшимчалар бўйича тақлифларни ишлаб чиқишда амалий иштирок этиш вазифаси юклатилган. Ҳозир бу иш мутахассисларимиз иштирокида олиб боришмоқда.

Бундан ташқари, Адлия вазирлиги «Ҳакамлар суди тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг яратувчилардан бири ҳисобланади. Бундай судлар тадбиркорлик субъектларининг ўзлари ва уларнинг бирлашмалари томонидан ташкил этилади. Қонун лойиҳаси тайёр, у барча келишув жараёнларидан ўтди ва тез орада Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига кўриб чиқиш учун киритилади. Мазкур қонуннинг амалда жорий қилиниши ва ҳакамлар судларининг ташкил этилиши бошқа суд органлари ишини енгиллаштириш имконини беради.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, ҳакамлар судларининг тузилиши ижтимоий ҳаётини янада демократлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида қўйилган яна бир муҳим кадам бўлади. Тадбиркорларнинг ўзи эса, ишларни кўриб чиқиш тартиби содаллаштирилган, самарали органга эга бўлади. Ишбилармон одамлар учун ўз ҳўжалик низоларини тезроқ ҳал этиш имкони яратилади.

**ЎЗА муҳбири Виктор НИКОЛАЕВ**  
ёзиб олди.

### Муносабат

## ЯНАДА ЯХШИ ИШЛАШ ИМКОН ЯРАТАДИ

**Муршида АСАТУЛЛАЕВА,**  
«Муҳоба» хусусий фирмаси директори:

— Президентимизнинг «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ни ўқиб қувонмаган, янада эркин ишлашга шароит яратилганидан астойдил мамнун бўлмаган тадбиркор топилмасе керак. Мен ҳам ана шулар қаториданман. Негаки ушбу Фармоннинг амалдаги ижроси бизни ортиқча ташвишдан, югур-югурлардан фориғ этиб, кўзлаган голямизни тезроқ бажаришга

катта кўмак бўлади.

Ўзингиз ўйлаб кўринг, йўқ жойдан хато топиб, ҳозир эшикдан кузатиб қўйсанинг, «Тешик»дан яна бири келадиган текширувчилар кимга ҳам ёқади. Улар ҳақиқий тадбиркорларнинг ишига ҳалакат беради, асабига тегади. Фармон ҳақиқатан ҳам дилимиздагини тоғди, бунинг учун Юртбошимиздан беҳад миннатдоримиз.

**Арофат АЗАМАТОВА,**  
хусусий ошона раҳбари:

— Фармон тўғрисида эшитдим, топиб ўқига шовшидим. Уни диққат билан ўқиб чиққан эса «Тадбиркорга ёрдам, уни

қўллаб-қувватлаш ана шундай бўлади, қойил-э» дедим беизтиёр овозимни чиқариб. Чунки бугунги кунда кўпгина биздақа ишбилармонлар, эл-юртта фойдам терсин, оиламда кут-барак бўлсин, дед тушу кун ҳаракат қилаётган тадбиркорлар турли ноқонуний текширишлардан беизиб, ишидан ҳам ҳафсаласи пир бўлаётган ҳолатлар қўллаб учраётган эди. Фармон бундай текширувчиларнинг пайини қирқади, тадбиркор яна бир катта имконият бериб, шарт-шароит яратади. Энди кўпроқ вақтимиз иш учун, ўзинг ривож учун сарфланиши, шубҳасиз.

— Мухтарам Диведе, сўхбатимизни ўзбекистонга ташрифингиздан кўзланган асосий мақсад тафсилотларидан бошласак, деган фикрда эдим.

— Бажонидил. Мамлакатингизда содир этилган кўнгилсиз ҳодиса — Андижон воқеалари юртингизга келишимга асосий сабаб бўлди. Чунки у дунёдаги турли оммавий ахборот воситалари томонидан турлича ёритилди, ҳар хил талқин қилинди. Шу туфайли Ўзбекистондаги, хусусан, Андижондаги вазият билан яқиндан танишиш, воқеа рўй берган жойларни ўз кўзим билан кўриш, юрдошларингиз билан юзма-юз сўхбатлашиш учун Дехлидан Тошкентга учиб келдим. Кейинги ниятим эса Дехлига қайтишимдан сўнг бу ерда кўрган-кечирганларимни қозоғга тушириб, уларни ўз мамлакатим оммавий ахборот воситалари орқали хинд жамоатчилигига етказишдан иборат.

— Шубҳасиз, Андижон воқеалари юзасидан Сиз билдирадиган фикр-мулоҳазалар муҳимдир. Бир ҳафта давомда мамлакатимизда бўлдингиз. Таассуротларингиз ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Сафарим давомида мамлакатингиз Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида Ўзбекистон парламенти аъзолари, республика Бош прокуратурасида масъул ходимлар билан учрашдим ва яна бошқа қатор идора, муассасаларда бўлиб,

қиламан. Шунинг учун Президент И.Каримовнинг ўз вақтида Андижонга етиб бориши қатта кўнгилсизликларнинг олдини олиб қолди, деб ҳисоблаш учун барча асослар мавжуд. Агар аксинча бўлганида воқеалар бошқача ривожланиб кетиши ҳеч гап эмас эди. Аслида мазкур хуруж ташкилотчилари— ҳомийлар воқеалар Қирғизистондагидек тус олиб кетишини кутган. Бахтингизга бунинг олди олинди. Менингни, минтақанинг, хусусан, Ўзбекистон шароитида четнинг муайян ёрдамисиз бундай кўпорувчиликни амалга ошириш мўшкул. Ўзингиз ўйлаб кўринг: Америкада ишлаб чиқарилган автомат қандай қилиб террористларнинг қўлига тушиб қолган бўлиши мумкин? Ёки, террористларга тегишли бўлган барча ўқ-отиш қўролларининг рақамлари нега ўчириб ташланган? Андижон воқеаларида Акронийлар «тўппонча» вазифини ўтаган холос, тўппончани ушлаган қўлни эса четдан ахтариш керак, назаримда. Ўзбекистонда суриштирув ишлари тўласинча ниҳоятга етган, бу масалалар ойдинлаштишга шубҳа қилмайман.

— Сиз юқорида Андижон воқеалари Фарб ОАВ томонидан ноҳолис ва бир ёқлама ёритилганига ўзингиз ишонч ҳосил қилганингизни айтдингиз. Бунинг сабаби нимада деб ўйлайсиз? Булар журналистларнинг шунчаки шов-шув ортидан қувишими ёки...

— Биринчи навбатда, бу албатта сиё-

Мулоҳаза, мулоҳаза

## КЎНГИЛДАГИ ГАПЛАР

Ушбу руқн мавзусини асосан оқшомхонлардан таҳририятга келатган хат-хабарлар ташкил этади. Куйида улардан учтасини эътиборингизга ҳавола этамиз.

### НОН АЗИЗ

Нон, у инсон учун табиатнинг муқаддас иймонидир. Дунёда ҳеч бир ризқ-рўз унинг ўрнини босолмайди. Азал-азалдан нон дастурхонимиз кўрקי, турмушимиз фаровонлиги бўлиб келган. Гап лаззатли ва ширин насибамиз нон ҳақида борар экан, унинг таърифу тавсифи бекиёсидир.

Лекин биз мана шу табаррук насибамизни ҳаммиша эъозлай-мизми, ундан тежаб-тергаб, меъёрида фойдаланамизми? Ҳамма гап ана шунда.

Яқинда бир маросимда бўлиб, ўртадаги ҳисобсиз нон бўлакларини кўриб ачиноб кетдим. 300 ўринга ёзилган дастурхоннинг қайси томонига қараманг, нон ва унинг бўлакларини кўрасиз. Безатиглик столда яна шунча нон туриб, ўртадаги ҳасасаклар «иссигидан ушатинглар», деб келган одам борки, олдига уч хил — жizzали, гўшти, ширмойи нонларни қўйиб кетишяпти. Кимлар бу нонларни ушатяпти, кимлардир шундайлигича қолдирапти. Стол устидаги ноз-неъматларнинг орасида ҳам истаганча нон маҳсулотларини топиш мумкин, пирожки, вараки, чучура, яна турли хил пишириллар. Бунинг устига ҳар бир кишига биттадан алоҳида-алоҳида иссиққина думбали сомса тарқатилляпти. Унинг кетидан эса олдингизга қанада ховури чиқиб турган ош тортиляпти. Усти тўла гўшт, ёғ, қазми. Баъзилар «тўқчилик замонада шундай қилиш керакда. Маросим эгаси жуда ҳасис экан, ҳатто дастурхонга тузукроқ нон ҳам қўймабди», деб ўйлашар. Бу орада «Сендан мен қоламани?» дегувчилар ҳам йўқ эмас. Бизингча бу мулақоат нозғури фикр. Энди айтинг, бу ушатиб, бурдаланган нонларнинг тақдирини нима бўлади? Уларнинг уволи қимни тутайди? Савоб оламдан деб марҳум отасига маросим ўтказибган уй эгаларини ёки олдида шунча бўлакданган нон туриб пала-партишлик билан иссигидан ушатаётганларини?

Шу ҳақда бир ўйлаб кўрсак яхши бўларди.

Озод РАХИМОВ

### АЙБИМ ҚИЗ КЎРГАНИМИ?

Хурматли таҳририят, мен бу хатни куйиниб, ўртаниб ёзяман. Кўнглимнинг бир томони қувонч бўлса, бир томони гаш. Нега деганда, қиз туққанам учун эрим мени ташлаб кетди. У кишига фақат ўғил керак эмиш. Нима қиз кўрганам менинг айбимми? Қиз бола фарзанд эмасми? Бизга туҳфа этилгани шу бўлса нима қилай? Ахир мен ўғилга «буюртма» беролмайманку?

Эрим билан бундан бир йил олдин турмуш қурганим. Бир-биримизни севардик. Бир институтда ўқиб, битирдик. Мен ҳомилдор бўлибманки, эримнинг гапи битта: «Севара нима бўлса ҳам ўғил туққин. Очиги мен қиз болани унчалик хуш кўрмайман. Менинг фарзандларим ўғил, фақат ўғил бўлишини истайман» дегани деган. Мен ҳам унга ўғил ваъда қилганим. Лекин шунда ҳам баъзида: «Адаси, бу фақат менга боғлиқ бўлса кошки эди, ишқилиб пешонамизга нима битилган бўлса шунчи кўрамизда. Ўғилми, қизми фарзанд бўлса бўлди-да» десам у «Билиб қўй қиз туққан кунинг орамиз очик», дерди. Мен кулиб бу гапни хазилга айландирдим. Энди билсам бу хазил эмас, чин гап экан.

Туғруқхонадан чиқадиган куним қайин онам ва қайин отам келиб олиб кетишди. Бир ой кутдик, эримдан дарак бўлмади. Яқинда ундан хат олдик. У онасига ёзган хатда Россиянинг алақайси шахрига кетиб, ўша ерда ишлаётган эмиш. «Севарага жавобини бериб юборинг, уйига кетаверсин. Энди мен уни хотин қилмайман», деб ёзибди мактубида. Бошим қотди. Айтинг, нима қилай?

Севара КАРИМОВА

### МЕЪЁРИДА БЎЛГАНИ ЯХШИ

Яқинда бир тўйда бўлдим. Тўймисан тўй. Унинг даббаси ўз йўлига. Бу алоҳида мавзу. Бу ҳақда гапирсам гап кўпайиб кетади. Мен фақат тўйга таклиф этилган санъаткорлар хусусида сўз юритмоқчиман.

Бир вақтлар тўйга бир гуруҳ санъаткорлар айтиларди. Улар тўйнинг бошидан охиригача ўтириб, уни чиройли ўтказиб кетишга ҳаракат қилишарди. Эндича? Бай-бай, уларнинг болалаб кетгани. Тўйга келиб-кетаётган хонанда-ю машшоҳларнинг чеки йўқ. Келиб уч-тўртта ашула айтиб кетавершади, унинг кетидан худди вақтини келишиб олгандек бошқа гуруҳ кириб келаверади.

Тўйга махсус айтилган санъаткорлар гуруҳи эса хозирги тилда «дежурний» (навбатчи) ҳисобланади. Улар ўртадаги бўшлиқни тўлдириб туришади. Зарур вақтда даврга тушишади. Бошида тўйни бошлаб, охирини яқунлаб беришади.

Ахир, ораликда келиб-кетаётган бу номдор санъаткорлар текинга келмаётганларини. Яна уларга кистирилатган пулларни айтинг. Баъзан буниси ҳам қаноат қилишмайди, устидан сочишади. Қистириққа уч санъаткорлар «Давранинг яхшилигини» кўриб, шунанқани куракда турмайдиган ашуларни айтишдики, уларнинг туб мазмуни ўзимизнинг «воҳай бола»ни эслатади.

Ўйланг қолсан. Ахир баъзи юрдошларимиз кайфиятида сақланиб қолган бу ўзбуларчилик, манманлик қачон тугаркин? Ахир бу бебиллиса сарфланаётган пуллар ночор оилаларга берилса савоби уларга кўпроқ тегмасмиди? Бизингча, мана шу ўринда маҳалла оқсоқоллари ва улар фаолларининг ожизлиги билиниб қоляпти. Улар ўз маҳаллавариде ўтаётган тўйларга бош-қош бўлишлари, ортиқча дабдабозликларга йўл қўймайликларига керак. Бу ҳақда сизнинг фикрингиз қандай азиз оқшомхон?

Азиз ҚОДИРОВ

## ДОКТОР РАМАКАНТ ДИВЕДЕ: «ТАШЛАНГАН ҚАДАМ НИЯТГА МОС БЎЛАДИ»

Хинд сиёсатшунос олими, Марказий Осиё мамлакатлари бўйича йирик мутахассис, доктор Рамакант Диведедининг номи кўпгина газетхонларимиз учун яқиндан таниш. Чунки бир неча йиллардан бери ўзбек вақтли матбуотида унинг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётга оид турли мақоалари чоп этиб келинади. Хиндистон Мудофаа тадқиқотлари ва таҳлили институтининг етакчи илмий ходими Р. Диведе 2004 йили Дехлида нашр этилган «Хиндистон ва Марказий Осиё» номли китобининг муаллифларидан бири ҳамдир. У яқинда Ўзбекистонда бўлиб қайтди. Эътиборингизга ҳавола этилаётган куйидаги сўхбатда доктор Р.Диведе мамлакатимиз ва унинг бугунги ҳаёти ҳақидаги ўз фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашади.

ўзимни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олдим.

Икки кун давомида Андижон шаҳрида бўлдим. Воқеа содир этилган жойларни ўз кўзим билан кўрдим. Мутасаддилар, кўчада юрган оддий одамлар билан сўхбатлашдим. Уларнинг натижаси ўларок, мени иккилантириб юрган айрим масалалар мулақоат ойдинлашди.

Фарб сиёсатчилари Андижон воқеалари юзасидан ноҳолис муносабатда бўлишгаётгани, уларнинг оммавий ахборот воситалари эса, шунингдек, Интернетдаги кўпгина веб-саҳифалар ҳам бу воқеаларни ноҳолис ва бўрттириб ёритаётганини Дехлидалигимдаёқ ичимдан сезган эдим. Чунки мен Ўзбекистонни, ўзбекларни яхши биланам, десам муболага бўлмайди. Бу ерга кўп келганман, ҳатто ҳалқингиз орасида бир неча йил яшаганман.

Андижонда одатдаги осуда ҳаёт давом этаётганига шохид бўлдим. Кўчаларда болалар ўйнаб юрибди. Одамлар масжидларга қатнашяпти. Бозорлар очик, дўконлар, чойхоналар гавжум. Ҳамма ўз юмуши билан банд...

Андижон воқеалари терроризм ва диний экстремизмининг нақадар ёвуз куч эканини бутун дунёга яна бир бор исботлаб берди. Жаҳон ҳамжамияти бундан тегишли ҳулоса чиқариб олади, деб ўйлаيمان.

— Бу воқеаларнинг содир этилишида экстремистларга четдан туриб кўмак кўрсатилган, деган фикрлар ҳам билдириляпти. Шу ҳақдаги фикрларингизни ўртоқлашсангиз.

— Мен ҳам шундай деб ўйлаيمان. Чунки бундай хуружлар ўз-ўзидан, бир-икки кунлик тайёргарлик билан люзага келиб қолмайди. Бу борада мамлакатингиз Президентини ҳақ. Андижон воқеаларига олдиндан пухта тайёргарлик кўрилганини, аниқ стратегия ишлаб чиқилганини аңлаш қийин эмас.

Марказий Осиё мамлакатлари бўйича мутахассис сифатида минтақадаги вазиятни мунтазам қўзатиб бораман, таҳлил

сат билан боғлиқ. Барча мамлакатлардаги ҳар хил кучларнинг ҳаммаси ҳам Ўзбекистонга ҳайрихоҳдир, деб бўлмайди. Бундай бўлиши мумкин эмас. Менинчи, бунинг сабаби мамлакатингиздаги барқарорликни кўролмайдиганларда. Эслаб кўринг: Ўзбекистон раҳбарияти мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлабқ уртда тинчликни сақлаш масаласига эстабур йўналиш сифатида қараб келади. Бу борада ҳукуматингиз мулақоат ҳақ. Тинчлик бўлмаган жойда бирорта ҳам яхши нарса бўлмайди. Нотинчлик ҳаробилик, қулфат ва гап келтиради. Шу маънода, мен мутахассис сифатида ҳозир Марказий Осиёга, хусусан, Ўзбекистонга энг керакли нарса тинчлик ва барқарорликдир, деб ўйлаيمان. Чунки мамлакат ўтиш даврини бошдан кечираяпти. Рўнара турган муаммоларни эса тинчликка зиён етмаслиги учун чуқур мулоҳазалар асосидаги чора-тадбирларни кўрган ҳолда ҳал этиш керак бўлади.

Саволингизнинг иккинчи қисмига келсак, қўлда қурол билан давлат муассасаларига ҳужум қилган, одамларни ўлдирган, уларни гаровга олиб, ўзларининг адолатсиз талабларини илгари сурганларни тинч намойишчилар, деб бўлмайди албатта. Лекин айрим фарб ОАВ воқеалари шундай деб ёритишди. Буни эса шунчаки шов-шув ортидан қувиш, деб баҳолаш анойилиқдир. Шарқда шундай нақл бор: босилган ҳар бир қадам ниятга мос бўлади.

Журналистикада шунчаки шов-шув ортидан қувиб, обрў қозониш даврлари ўтиб кетди. Бугун инсоният жуда мураккаб бир даврга ашяпти. ОАВни беҳиж тўртинчи ҳокимият деб атамаймиз. У бизнинг замонамизда жуда самарали қурол ҳамдир. Чунки ОАВ жамоатчилик эътиборини муайян томонга қаратибгина қолмай, балки унинг онгида маълум бир фикрни шақллантириш кучига эга. Бу эса ижобий ҳам, салбий ҳам бўлиши мумкин.

Сўхбатдош: ШУХРАТ УМИРОВ  
«Жаҳон» АА.

Ана шу қарор ижросини таъминлаш мақсадида пойтахтимизда ва шахимиз туманларида УМШ уюшмалари тузилиб, ўз фаолиятини бошлади. Чилонзор туманида жорий йил 28 мартдан иш бошлаган уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмаси раиси Ольга НОРМУХАМЕДОВА билан юқоридаги қарор ижроси ҳамда бугунги кундаги долзарб вазифалар, уларни амалга оширишдаги савий-ҳаракатлар хусусида суҳбатлашдик.

— **Ольга Фёдоровна, аввало ташкил этилган уюшманинг мақсад ва вазифалари га тўхталмай ўтсангиз...**

— Хеч кимга сир эмас, ҳақиқатан ҳам кейинги пайтда кўп қаватли хонадонларда яшаш, коммунал хизматлардан самарали фойдаланиш катта муаммо бўлиб қолган эди. Чунки кўп жойларда уй-жой мулкдорлари ширкатларини ташкил этиш, уларга раҳбарларни сайлаш юзаси қийин бўрилиб, ўз ҳолига ташлаб қўйилган эди. Кўп қаватли турар-жой фондидан фойдаланиш, уларни саклашнинг қўриқарсиз

ни эркин аъзолик шартида бирлаштирилади. Шунини айтиб ўтиш лозимки, Ўзбекистон Республикасининг “Уй-жой мулкдорлари ширкатлари тўғрисида”ги ва “Нодавлат-нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги Қонунлар ва қўничилик ҳужжатлари ҳамда таъсисчиларнинг қарорига мувофиқ ташкил этилган уюшма юридик ва жисмоний шахслар билан ўз номидан шартнома тузишга, мулкый ва номулкий ҳуқуқларни олишга, қўничиликда белгиланган тартибда судларга даввогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

— Туманда фаолият кўрсатиш...

**Қарор ва ижро**

**АНИҚ МАҚСАД — МУВАФФАҚИЯТ ГАРОВИ**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини тақомиллаштириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига уй-жой мулкдорлари ширкатларини ташкил қилиш жараёни ва уларнинг фаолияти юзаси олиб борилаётгани, амалда тасодифий кишилар ихтиёрига бериб қўйилганлиги, кўп қаватли уй-жой фондидан фойдаланиш, уларни саклаш низоҳатда қоникарсиз аҳволдалиги алоҳида таъкидланди. Уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини янада тақомиллаштириш, уларнинг маҳаллий ҳокимият органлари ҳамда хизмат кўрсатувчи эксплуатация ва таъмирлаш ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш мақсадида уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмаларини тузиш ҳамда уларнинг вазифалари белгилаб берилган эди.

таътган уй-жой мулкдорлари ширкатлари ҳақида, уларнинг айна кўнлардаги олиб бораётган ишлари хусусида тўхталсангиз.

— Юқоридаги Президент қарорига битта УМШга бирлаштирилмаган хонадонлар, яъни кўп қаватли уйлар сонини қайта кўриб чиқиш, турар-жой биноларидаги мулкдорларнинг навбатдан ташқари йиғилишларини ўтказиш таъкидланган эди.

Ана шунга кўра туманимизда жойлашган 1130 та кўп қаватли уйлар аввалига 59 та уй-жой мулкдорлари ширкатига бирлашган бўлиб, эндиликда уларнинг сони 116 тани ташкил этди. Бундан кўзда тутилган мақсад, албатта кўп қаватли уй-жойларни саклашда сифатга эътибор қаратиш, яшовчиларда мулкдорлик ҳиссини янада ошириш, аввалги ширкатларда йўл қўйилган хато ва камчиликларга барҳам беришдир. Энг муҳими эса кўп қаватли уйларда истиқомат қилувчиларнинг турмуш шароитини яхшилаш, коммунал хизмат даражасини ошириш баробарида оғирини енгил қилиш кўзда тутилганлиги эътиборлидир.

Бугун туманимизда ҳақиқатан ҳам кенг қўламли ишлар олиб боришмоқдаки, бу албатта яшовчиларга қулайлик яратиш баробарида уларни ҳам фаолликка ундамоқда, тўлов интизомини мустаҳкамлашда қўмак бермоқда. Шу кунга қадар ҳомиёлар кўмаги, ширкатлар ва аҳолининг ҳамжиҳатлигида 2300дан зиёд кириш йўлақлари таъмирланди, 1021 та темир эшиклар ўрнатилди. Режада белгиланган кўп қаватли уйларда тубдан таъмирлаш ишлари ҳам олиб боришмоқда.

Яна шунини таъкидлаш ўринлики, йиллаб яшовчиларга халақит бераётган ноқўниқ қурилмалардан 600 таси олиб ташланди, сув шохобчалари эса чиқиндилардан тозаланди. Барча мавзёлардаги ободонлашти-

риш-таъмирлаш юмушлари малаҳида кўп қаватли уйларимиз олдида қўрилган болалар ўйингоҳлари, спорт майдончалари ширкатлари кичикчойлар яйрашмоқда. Кўндан буён қуриб ётган дархатларга шакл берилиши билан бирга уйлар ён-атрофларига гул ва манзарали дархатлар ҳам экилмоқда, йўлаклар асфальтланган. Сирасини айтганда Чилонзорда коммунал соҳасидаги ҳар бир юмуш, шунинг баробарида киши масвум таррадуди режа асосида олиб бориляпти.

— Ширкатлар сонининг бир неча баробарига ортиси кадрлар бўлган талабини ҳам кучайтирилганлиги аниқ. Ширкат раҳбарларини тайинлашда нима-ларга эътибор қаратилди?

— Аввало шунини таъкидлаш ўринлики, ширкат раҳбари коммунал соҳадан хабардор бўлса, кўп қаватли уйдаги ҳар бир муаммони тушуниб, яшовчилар билан ҳамжиҳатликда иш юрита олса, билимли ва ташаббускорлиги етарли бўлса, мақсадга эришишда тўғри йўл тутари. Шу боис ҳам аввалги ва янги сайланган

Айниқса, ёш болалар ва қарияларга ҳар куну билад қаватли бинога чиқиб-тушиш осонмас. Уйнинг қарийб ярмини ёш болалар оилалар ва қариялар ташкил этди. Ун иккинчи қаватда яшайдиган Назира Тўқсонова ва Людмила Дежоноваларнинг ҳаратидан чанг чиқади. Чунки уларнинг ҳар қайсида биттадан эмизикли чақалоқ бор. Улар лифт ишламаган кунлари поликлинк ва дорихонага қатнаш ёки бошқа юмушларини бажариш учун қўлидаги чақалоғи билан охириги қаватдан тушиб-чиқибга мажбур бўлмоқда.

Худо кўрсатмасин, бирор қор-ҳол рўй бергудек бўлиб тез ёрдам ёки шовишнинг хизматга эҳтиёж сезилса, кўмакка келувчи халоскорнинг қўлидаги чемодани ёки бошқа асбоб-уқунаси билан билад бинога кўтарилиб тушишини ҳар тасаввур қилиб кўрин-а!

— Лифт ишламаслиги боис, шундай жазирама иссиқ кўнларда бозор-ўчар қилиб сумка-халта билан қоронғи йўлакдаги зинадан ҳарсиллаб юқорига кўтарилганлиги етмагандай, бизни йўқлаб келган ёру биз родарларимиз олдида жуда хижолат чекилмиш, — дейди ўн иккинчи қаватнинг 58-

хонадониди истиқомат қилувчи қўшнимиз Соҳиба хола.

Бундан икки ойча илгари ўрта қаватда яшовчи 70 ёшли қария вафот қилганди. Бандчиликда. Азали хонадондан анча вақтга чаман баъзи билдирувчиларнинг кети узилмади. Ушанда мархумнинг қариндошлари кўнгиб сўраб келаятган олдида анча изза бўлишди.

— Турмуш ўртоғим автохалокатга учраб умуртқа поғонаси ва қовурғаси синиб касалхонага тушиб қолган эди. Маълум бир вақт ўтган, унга руҳсат беришди, лекин лифт ишламагани боис кўтариб ўн биринчи қаватга зўрға олиб чиқдик. Кўп

ўтмай, эрим уйда миокард инфаркти касалига чалиниб қолди. Дўхтир қақиртирдик. Улар ўн биринчи қаватга зиналардан

тиш мумкин эмас, деб касалхонага олиб кетишмади. Ҳеч бўлмаса, лифтларнинг бирортаси ишлаб тургандай бунчалик қийналмасдик, — дейди Барноҳон Раҳимов.

Бу ҳам етмагандек, лифт узоқ вақт ишламаслиги боис халеб зинадан тушиб кўтарилаверишдан безиб кетган баъзи хонадон эгалари чиндилари биланқондан пасда тга қараб улуктариётгани ҳаммасидан олиб тушмоқда. Лифт, бир ишламаса, узоқ муддатга тазатилмасдан қолаверади. Мана салкам бир ойдики, лифтимиш хамон “қантарилган” холда турибди. Тасаввур қилинг-а: аини ёзининг жазирама иссиқ-ғиди бозор-ўчар қилиб келдингиз. Шунча юриб келганингиз етмагандай, ўн иккинчи қаватга кўтарилишинг ўзи бўладики? Лифт ишлаб қолган кунлари эса унинг носозлигини ичиди одамларнинг “қамалиб” қолиш

**Аттиқ, аммо оғиқ гап**

**ҚУРУҚ ВАЪДАДАН ТЎЙДИК**

Биз ўйтаётган Шайхонтоҳур тумани “Қоратош” фуқаролар йиғинига қарашли кўп қаватли уйлардан бирида истиқомат қиламиз. Гап шундаки, биз яшайдиган Самарқанд Дарвоза кўчасидаги 12 қаватли 1 “А” уйда ёнма-ён жойлашган кўш лифт мавжуд бўлса-да, ҳеч вақт меъёрида ишламайди. Мабодо бир тўхтаб қолгудек бўлса, иккаласи ҳам ишламасдан “қантарилган” холда анча вақт туриб қолади. Мутасадди идораларга бир неча марта анча вақт муурожаат қилсак ҳам бейфойда, қуруқ ваъдадан нарига ўтишмайди.

Кўтарилиб ҳарсиллаганча бир алғозда келиши ва инфрак инфрак одамни зинадан кўтариб олиб тушиш хавфи, боз устига кўраги ҳам гипсда экан, қимирла-

нингиз етмагандай, ўн иккинчи қаватга кўтарилишинг ўзи бўладики? Лифт ишлаб қолган кунлари эса унинг носозлигини ичиди одамларнинг “қамалиб” қолиш

холатлари тез-тез учраб турибди. Лифтнинг меъёрида ишлашини яна қачонгача кутамиз? Бу ёни бизга қоронғи бўлиб қолаётир. Биз истиқомат қиладиган кўп қаватли уйдаги муаммо биргина лифтнинг ишламай туриши билан чекланиб қолса қошқийди? Устига устак ёмғир ёққан кунида ўн иккинчи қаватдаги 56-ва 57-хонадонларнинг томидан тинимсиз чаққа ўтаётганига нима дейсиз?! Оси-монда булут пайдо бўлиши билан юқоридидаги хонадон эгаларининг кўнгили хижил тортадиган бўлиб қолган. Томдан ўтган чаканинг оқибатидан хонадонларнинг деворларига қараб бўлмайди.

“Қаратош” маҳалласидаги 1-“А” уйда яшовчи фуқаролар хатини оққа кўчируви: Азамат СУЮНОВ.

**Сўраш, жавоб берамиз**

**ШИРКАТ РАИСИ ҚАНДАЙ САЙЛАНАДИ?**

Ширкат бошқаруви ва унинг раиси қандай сайланади ҳамда вазифалари нималардан иборат?

Махбуба Қодирова, Озода Тўйчиева, кўп қаватли уйда яшовчи хонадон эгалари — Ширкат бошқаруви ширкат аъзолари орасидан сайланиб, умумий мажлисга ҳисобот беради. Бошқаруви уй-жой мулкдорлари ширкатининг жорий фаолиятини бошқариб, даромад ва харажатлар йиллик смета лойиҳасини ва унинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботни ишлаб чиқади, маблағларни умумий йиғилиш тасдиқлаган сметага мувофиқ тасаруф этади. Шунингдек, умумий мулкни саклаш ва таъмирлашга оид шартномаларни тузади, белгиланган мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлашини назорат қилади, иш юритишни, бухгалтерия ҳисоб-китобини амалга оширади.

Бошқаруви раиси эса аъзолар орасидан сайланиб, бошқаруви чикарган қарорлар ижросини таъминлайди. Раис ўз ваколатлари доирасида қўрсатма ва топшириқлар беради, умумий мажлис тасдиқлаган ижроси директор номзодини, ички меҳнат тартиби-қондаларини, шлат ҳодимлари иш ҳақини тўлаш тартибини қиритади, тўлов ҳужжатларини имзолайди ва ширкат манфаатларини ифода қилади.

**Ширкат — ибрат**

**БИРГАЛИКДАГИ САЪЙ-ҲАРАКАТ**

ЮТУҚЛАР СИРИ АНА ШУНДА

“Бизда қарздорлик муаммоси йўқ, хаттоки хонадон эгалари фойдаланиш харажатлари тўловини олдиндан бажариб қўйишади, — дейди Яқкасаров туманидаги “Ка-Файз” уй-жой мулкдорлари ширкати раиси Валентина Рақушева. — Чунки ширкатга аъзо бўлган ҳар бир хонадон соҳиби ширкат бу ўзлари эканлигини билишади, ҳамжиҳатликда бажарилган барча юмушлар самарасини дилдан ҳис этиб, ўз қўлали билан кўришмоқда”.

Ушмон Носир кўчасидаги 4 қаватли 51-уйда яшовчи 35 та хонадон аҳли ўзлари бир уйда ширкат тузишмоқчи бўлганларида, албатта уларга қарши чиққанлар, ишонмаслик билан қарчилар, хаттоки “Қўрамиз, қандай уйдлашарми?” дея кино қилганлар ҳам бўлди.

Лекин ўз сўзида катъий мулкдорлар бошқарувини қўлларига олиб 2000 йилнинг табиий газ қўшимбаҳо бойлигини қаторига кириб, уни тежаб-тергаш ҳаммамиз учун фойдаландирди. “Ёшлик” маҳалласи фаоли сифатида ўзимиз яшаётган ҳар бир хонадон эгасига буни тушунтиришга ҳаракат қилдик. Мана натижаси — ҳисоблагичлар ўрнатилди, бунинг устига унинг ҳақини 5 йил мобайнида бўлиб тўлаш учун имтиёз ҳам берилди. Нима бўлганда ҳам зарур ресурсларни асраб-авақлаш маъқул, чунки тежалгани ўзимизга, келгуси авлодларга қатта фойда, зарур қулайлик ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, бу эзмон талаби. Коммунал соҳада амалга оширилаётган ислохотларнинг бир кўриниши бўлиб, албатта аҳоли турмуш фаровонлиги, сифатли хизмат учун қулайлик яратиш мақсадини кўзда тутган. Шубҳасиз, ўлчов тежамкорликда гаров бўлишини ҳисоблагич ўрнатилган қўриб ва сезиб туришимиз.

**Шарофат БАХРОМОВА СУРАТЛАРДА: “Коблер” хусусий фирмаси пайвандчилари тез ва соз ишлашмоқда.**

Ҳақимжон Солихов олган суратлар.

**Дураги санлар**  
**ЕЧИМИНИ ТОПСА БЎЛАДИ**

• **Ольга ДОБРНИНА, Мирзо Улуғбек тумани, “Буёқ Ипак йўли” мавзеси, 32-уй бошқарувчиси:**

— Биз яшаётган уйда 52 та хонадон аъзолари яшади. “Она-замин” ширкатига қарашли 9 қаватли турар-жой биноимиз учта кириш йўлағидан иборат бўлиб, Президентимизнинг “Уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини тақомиллаштириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қароридан сўнг улар таъмирдан чиқарилди. Лекин таъмирлаш ишлари намунаги адо этилди деб айта олмаимиз, негаки бугунги кунда сифатсиз бўёқларда бажарилган иш аққол кўриниб турибди.

Турли, биз нолимоқчи эмасимиз, чунки агарда хонадон эгалари ширкат билан ҳамжиҳатликда ишлаб, тўловларини вақтида бажараётган истезмолиларда нима айб?

Шунинг учун бир тақлифини билдирмоқчи эдим. Лифт хизмати учун ҳақ ширкатга, яъни фойдаланиш харажатларига қўшиб тўланади. Шу боис ҳам ширкат уни ҳар ойда эмас, балки хошлаган вақтида лифт хизмати ҳисобига ўтказишади. Маблағ бўлмагач, хизмат сифати пайсайиб, муаммолар ҳам кўпаяверади-да.

Шундан бўлса керакки, 1976 йилдан буён ишлаётган лифтимиш ҳали бирон марта таъмирланмай авари ҳолига қилиб қолган. Агарда лифт хизмати билан ҳам истезмолиларда нима айб? Шундан бўлса керакки, 1976 йилдан буён ишлаётган лифтимиш ҳали бирон марта таъмирланмай авари ҳолига қилиб қолган. Агарда лифт хизмати билан ҳам истезмолиларда нима айб? Шундан бўлса керакки, 1976 йилдан буён ишлаётган лифтимиш ҳали бирон марта таъмирланмай авари ҳолига қилиб қолган. Агарда лифт хизмати билан ҳам истезмолиларда нима айб?

**УЙ-ЖОЙ-КОММУНАЛ ХИЗМАТИ: ИСТИҚБОЛ ВА МУАММОЛАР**



**Ўғлов — тежамкорликка гаров**

**БЕҲУДА САРФ ҲАМЁНГА ЗАРАР**

Халқимизда “Ҳисобли дўст айрилмас”, деган доно бир нақл борки, унга амал қилганлар ҳам ўзи, ҳам қўни-қўшини учун қулайликлар яратишга ҳисса қўшади. Айниқса, кейинги пайларда хонадонларга ўрнатилаётган газ, сувуқ ва иссиқ сув ўлчамчилари истезмоликка ҳисобини аниқ кўрсатиб, ресурсларни ҳам, маблағни ҳам тежашда муҳим омили бўлаётганини тажриба аққол исботламоқда. Шу боис ҳам ҳисоблагичларнинг нафақат сарфига яраша ҳақ тўлашда, балки исрофгарчиликнинг олдини олишда, тежамкорликни таъминлашда ўрни бекчилик.

Пойтахтимизда ҳам маъzur қарор ижросини таъминлаш борасида чора-тадбирлар белгиланган бўлиб, “Тошкентшаҳарга” худудий газ таъминоти қорхонаси томонидан ишлаб чиқилган дастурга кўра газ ҳисоблагичлар ўрнатиш қизғин олиб боришмоқда. Жумладан, қорхонанинг Мирзо Улуғбек тумани филиали мутасаддиларининг маълумотларига кўра туманда 76.186 та газлаштирилган хонадон мавжуд бўлиб, жорий йил январигача 48190 та газ ҳисоблагичлар ўрнатилган. 2005 йилнинг белгиланган муддатигача эса 27996 та газ ҳисоблагичлар қўйиш режаланган бўлиб, ҳозирги кунгача 14.500 тадан зиёди ўрнатиб бўлинди.

— Қолган қисқа даврни ҳисобга олган ҳолда, — дейди филиалнинг ҳисоблагичлар ўрнатиш бўлими техника инженири Шомоҳамуд Шонўлатов, — ҳисоблагичлар ўрнатувчи бригадаларимиз сони широканинг қисқаришига қарама-қарши янада кўпайтирилди. 3 йилдан буён газ ҳисоблагичлар ўрнатиб, тежамкорликка ҳисса қўшаётган фирманинг пай-

нинг яхши меҳнатларининг баҳосидир. Кўнига 50-60 та хонадонга газ ҳисоблагич ўрнатиш имкониятига эгамиш.


— Мана ҳозиргина хонадонимизга газ ҳисоблаш уқунасини ўрнатишди, — дейди 35-уй, 1-хонадон соҳиби Азим ага Хамидов. — Ҳар ҳолда ишлатилганига яраша ҳақ тўлаган яхши-да. Буни бугунги кунда ҳар бир истезмоличи тушуниши даркор. Негаки табиий газ қўшимбаҳо бойлигини қаторига кириб, уни тежаб-тергаш ҳаммамиз учун фойдаландирди. “Ёшлик” маҳалласи фаоли сифатида ўзимиз яшаётган ҳар бир хонадон эгасига буни тушунтиришга ҳаракат қилдик. Мана натижаси — ҳисоблагичлар ўрнатилди, бунинг устига унинг ҳақини 5 йил мобайнида бўлиб тўлаш учун имтиёз ҳам берилди. Нима бўлганда ҳам зарур ресурсларни асраб-авақлаш маъқул, чунки тежалгани ўзимизга, келгуси авлодларга қатта фойда, зарур қулайлик ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, бу эзмон талаби. Коммунал соҳада амалга оширилаётган ислохотларнинг бир кўриниши бўлиб, албатта аҳоли турмуш фаровонлиги, сифатли хизмат учун қулайлик яратиш мақсадини кўзда тутган. Шубҳасиз, ўлчов тежамкорликда гаров бўлишини ҳисоблагич ўрнатилган қўриб ва сезиб туришимиз.

Ҳисоблагичлар ўрнатиш бўлими техника инженири Шомоҳамуд Шонўлатов, — ҳисоблагичлар ўрнатувчи бригадаларимиз сони широканинг қисқаришига қарама-қарши янада кўпайтирилди. 3 йилдан буён газ ҳисоблагичлар ўрнатиб, тежамкорликка ҳисса қўшаётган фирманинг пай-

вандчи бригадалари юқоридаги қарор ижросини бажаришга сидқидилдан ёндашмоқда.

— 3 та пайвандчи бригадамиз мавжуд бўлиб, ўтган икки йилда 2 мингдан зиёд хонадонларга газ ҳисоблагичлар ўрнатишга ҳисса қўшди, жорий йилнинг 5-май мобайнида 4,5 мингдан ортиқ газ ҳисоблаш уқунасини ўрнатишга муваффақ бўлдик, — дейди фирма раҳбари Шерхон Икромов. — Албатта, бу борада сифат ва самардорликка эътибор қаратиш баробарида, хонадон эгаларига асбобнинг аҳамияти, тўғри фойдаланиш, вақтида кўрсаткичга қараб тўловни амалга ошириш ҳақида маълумотлар берамиз. Қўнгилик хонадон соҳибларидан миннатдорчилик эшитаяпмизки, бу албатта мохир пайвандчиликнинг таъкидлаш ўринли. 3 йилдан буён газ ҳисоблагичлар ўрнатиб, тежамкорликка ҳисса қўшаётган фирманинг пай-



Дилноза СОДИҚОВА СУРАТДА: ширкат фаолиятини долда.

## Шарқ дурдоналари

## Озоз ўтганим

### Донам бўлди...

● Бу дунёдаги яхши ишлар у дунёни сотиб олиш учундир. Хар қимда ақлдан насиба бўлса, ёмонлар билан улфатлик, олимлар билан дўстлик, риёкорлик билан яқинлик ҳамда жоду зулм боқий эмаслигини билади.

● Кемачи дуч келган шамол билан кемани ҳайдавормаслиги, оқил киши кўнглига келган хар бир ўй билан иш тутавормаслиги керак.

● Жонини дунёга фарқ одамдай тут, ғарибларни эса иззат қил.

● Кеманин чўкиб кетиши мумкинлиги ҳақида ҳали у тинч кетаётган пайтда йўл!

● Одамлар интиломаслиги лозим бўлган нарсалар нима? — сўрадилар Бузруғмехрдан.

— Нокасларнинг мақтовини эшитмаслик ва пасткаш кишилардан умид қилмаслик, — деди у.

— У дунё ва бу дунёни нима билан топиш мумкин? — деб сўрадилар.

— Яхшилик, илм ва тўғрилик билан! — деб жавоб берди у.

— Надомат чекувчи ким?

— Шожалоқ ва ўзбилармон! — ўзбилармон меъмор турган бинонинг девори.

— Доно пушаймонлик ичиди бўлади.

— Зое ўтган умр нима? — деб сўрадилар.

— Бировга яхшилик қила олиш мумкин бўлиб қилмаган умр! — деди у.

— Донуликка оро берувчи нима? — деб сўрадилар яна.

— Тўғри фикр! — деди у.

— Шижоат нима? — деб сўрадилар.

— Узр сўрай олиш! — деди у.

— Қайси хунар энг яхши? — деб сўрадилар.

— Илм хунари! — деди у.

— Ким билан дўст бўлиш керак?

— Ҳасаддан узоқ юрган киши билан!

— Ақлли кишилар кимдан эҳтиёт бўлишлари керак? — деб сўрадилар.

— Олий лаганбардордан ва хасис бойдан!

● Айтди: Бирор кишининг ахловида ўзгарши юз берса ва ҳаёт унинг учун оғирлашса, бундай одам ночор ва толесиз кишилар билан бу борада маслаҳат қилмаслиги лозимки, бундай одам берган хар бир маслаҳат тўғри йўлдан узоқ, нотўғри йўлга яқин бўлади.

● Бахтли кунларида дўстларидан алоқасини узган кишига бахтсиз кунларида ҳеч ким ёрдам бермайди.

● Кимки ҳаётим осонлик билан ўтсин деса, яхширо ёмонликдан унга нимаики етса, тангри таолондан деб билсин, хоҳа-хавасга берилмасин, ичини ҳасаддан ҳолти тусин, барчага нисбатан ўзини одил тутиб, бировга нисбатан инсофсизлик қилмасин!

● Паршонлик тўрт нарсадан юз беради: биринчи — дўстларидан айрилишдан, иккинчи — душманлар макридан, учинчи — яхши ишлардан юз ўгиришдан, тўртинчи — покдил одамларни хор туттишдан.

● Сўрадилар: Дўст ким?

Айтди: Оғир кунда ёрдам берган киши.

Сўрадилар: Дунёда энг ёмон нарса нима?

Айтди: Юраги қора дўст.

Сўрадилар: Юраги қора дўст нимага ўхшайди?

Айтди: Тушга ўхшайди, тушда аjoyиб нарсаларни кўрасан, аммо уйгонганингда қўлингдан ҳеч нарса бўлмайди.

Аббос баҳодир билан Муҳаммад Мирақлар Қизилқум саҳросини кеза-кеза ниҳоят бир кўнра қаро қалъа ичидан Тўхтамиш ўлгонни топишга эришибдилар ва иззат-икромини жойига қўйиб соҳибқирон ҳузурига олиб келибдилар... Бу ҳақда соҳибқиронга хабар қилинганда, Ҳусоюн ўрдудан келганлар бир-икки кун ҳордик олуслар, деган фармойиш берилди.

Кўксаройнинг чиройли кўринишонаси, ундаги маҳобатли тахт бўғамга маъно касаб этгандек эди, оқиллар назариди. Жаҳонгир Мирзо вафотидан кейин бир неча ойлар тахт бўш турди, соҳибқирон Кўксаройга қадам изи босмади. Ниҳоят бугун улғу амирнинг муборак нафаслари салтанатнинг олий кошонасига етиши ҳамма учун тонг отиши сингари аниқ ва муқаррар бўлиб қолди. Қиш ўртаси бўлса ҳам, қор йўқ, Самарқанд кўчаларида қора совуқ изиллар эди.

Кўксарой дарвозаси олдида бутун арқони давлат вақиллари ҳозир бўлдилар. Аввалги йилда Бухородаги Арслонхон миносасидан икитиб олиниб, дарвозанин икки ёнида икита маҳобатли баланд минора тикланди. Ўралган бекасам нақли кўш минора шаҳарнинг барча бурчларидан, узоқ-узоқлардан кўриниб турар, Кўксарой салобатига салобат кўшарди. Минораларга саккизтадан фонус осилган бўлиб, хар кун кеч кирганда қоровул уларни ёқиб тушарди.

Ўнгдаги минора ёнида Мир Сайид Барака, — уч ойдан бери Андохда бўлган пири муршид икки кун аввал Самарқандга қайтиб келган эди, мамлакат хони Суюрғатмишхон, узун чўкки соқоли кўксига тушиб қолган Амир Жоку барлослар, чағдаги минора тағиди Амир Улжайту опарди, кўзлари иргиб чиққан Шаҳрисабз хокими Амир Мусо, — у ушбу лавозимга тайинланганига бир йил бўлганди, — яқинда шайхулисломлик мансабини эгаллаган машхур Шайх Бурхониддин Марғинойий авлодларидан Хожа Абдулмалик Самарқандий, вазири аъзам, қозилалон, доруға ва салтанатнинг бошқа аъёнлари жамулжам қутишмоқда эди. Бир четда машоқлар оҳиста қўнра наволардан чақиб турардилар.

Бир палла йўлда икки юз қадамлар олинди соҳибқироннинг бўз оти Хонўлгон кўринди. Барча соҳибқирон истикболига пешвоз юрди.

Хонўлгонни Амир Довуд дуғлат билан Муҳаммад Чурога додхўк еталаб келишар, Умаршайх Мирзо ва Амир Сулаймоншоҳлар рикобчи! макрида эдилар. Беш-олти қадам оркада изма-из Амир Ок Буга найман, Амир Шоҳмалик, Муҳаммадбек ибн Мусо, Ахий Жаббор баҳодир ва яна кўп лашкорбошиларнинг қоралари кўзга ташланарди. Кўксарой дарвозасига етиб келганларида барча соҳибқиронга отдан тушишга кўмаклашишга шошилди. Амир Темур даставвал пири муршид билан ҳамоғуш бўлди. Уларнинг илк бор кўришилари эди.

— Хуш келдингиз, Амир соҳибқирон! Қадамларига ҳасанот! — кутлади Мир Сайид Барака.

— Хуш келибсиз, соҳибқирон ҳазратлари! — кўл қовуштириб таъзим бажо келтирди Суюрғатмишхон.

— Аллоҳга шукр, дийдорлашиш насиб этди! — қувончини яширмади амирул умаро Амир Жоку барлослар.

— Қадамларига ҳасанот, соҳибқирон! Дунё турғунча турингиз! — тилак билдирди Амир Мусо.

— Аллоҳга шукр... —

— Аллоҳга шукр... —

— Етурганига шукр!..

Салтанат аъёнлари таъзим қилиб, юқоридагидек шодлик ва шукроналик сўзларини нисор қилишдан чарчамасдилар.

— Кулук! Кулук! — деб қўяр эди мамнун Амир Темур.

Барча ўзини хушнуд ва масъуд онлар оғушида сезарди. Кўксаройнинг чиройли кўринишонасига йўналдилар. Иккинчи ошананинг ўнг томонини банд этган кўринишона узунлиги олтиш қадам, эни ўттиз қадам келаганидан шифти баланд баҳаво бир хона бўлиб, деворларига файзиёб манзаралар чизилганди, харир ипак пардалар тутилган ўн икита кенг дера-

заси Чорсу майдонига қараганидан ёруғ ва чароғон эди.

Амир Темур одатича оқсоқлангани билдирилмасликка ҳаракат қилиб, шошилмай битта-битта қадам ташлаб, тўрдаги тахтга бориб ултираркан, пири муршид билан Суюрғатмишхонни тахтнинг икки тарафиди беш қадамлар нарида қўйилган нақшкоркур курсиларга тақил этди. Салтанат аҳлининг қолган аъзолари хона ўртасида ярим ёй шаклида давра қурдилар.

— Илоё, Парвардигорнинг ўзи ушбу кулғу хонадонинг салтанат офтобини тонгла маҳарғача завол чангалидан асрасун ва устивор қилсун! Яратганин беадад лутфи, адоқсиз қарами ила азиз бошларига нусрат тожинган Амир соҳибқироннинг умрлари узоқ бўлсун! Ал-ҳамду лиллаҳи раббил олами!..

Пири муршид Мир Сайид Барақанингалворли овозидан бирнеча ойдан бери бундай дуолари эшитиш насиб этмаган кўринишона ичи бамисли анграб кетгандай бўлди.

## Ўзбек адиблари "Оқшом қўғи"

Муҳаммад АЛИ,  
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

# УМАРШАЙХ МИРЗО

(“УЛУГ САЛТАНАТ” ТАРИХИЙ РОМАНИНИНГ ИККИНЧИ КИТОБИДАН БОБЛАР)

*Ўзбекистон халқ ёзувчиси, шоир ва адиб Муҳаммад Алининг “Сарбадорлар” тарихий диалогиси, кўлаб шевр ва достонлари ўқувчиларимизга яхши таниш. Адиб кўп йиллардан бери Амир Темур даврига бағишлаб Соҳибқирон образини яратиш ниятида кўп қисми “Улуг салтанат” тарихий романи устида ишлаб келади. Романиннг биринчи китоби “Жаҳонгир Мирзо” 2003 йилда нашр этилган ва ўқувчлар муҳрига сазовор бўлган эди.*

*Яқинда адиб романиннг иккинчи китоби “Умаршайх Мирзо” асарини ёзиб тугатди. Газетамиз ўз вақтида “Жаҳонгир Мирзо” романидан парчалар эълон қилган эди. Кўйда севимли адибимизнинг янги “Умаршайх Мирзо” романидан айрим болларни эътиборимизга ҳавола қилмоқдамиз.*

*“Умаршайх Мирзо” тарихий романи тўлалигича “Шарқ Юлдузи” журнали саҳифаларида босиб чиқарилади.*

Кўлар фотиҳага кўтарилди.

Пири муршид давом этди:

— Амир соҳибқироннинг қалби очун? ҳодисаларини ўзида акс этдиргучи кўзга, бамисли жоми жаҳоннамодорки, унда барча бўлиб ўтган ва бўлажак воқеалар ҳам аён кўриниб турду. Унга назар ташлаш жанобингизга мурасар бўлғонини учун шукрлар қиламен!.. Алкисса, бу оташин қалб садоларига қулоқ тутайлик!..

Амир Темур пири муршиднинг юмалоқдан келган қил-қизил юзлари ҳаяжондан яна ҳам қизара бошлаганини кўрди. Бироз сукут сақлагач, арқони давлатни Мўғлистонга юриш тафсилотларидан боҳабар этиб қўйиш ниятида сўзга оғиз очди:

— Ноўрин даъво қилгучилар ва тухматчилар тилини кесмоқ учун кўп далилу исбот келтири олғойимиз, — деди Амир Темур. — Ажабо, денгизни галвир билан қуритмакчи, тонги елпигич билан елгиб юриб текисламакчи бўлибдурлар... Шер уясига бош суққан кўпнақ Камариддиннинг худого айтғони бор экан, жаноблар, уни тутиб найзага илиб келишни қаттиқ ният қилгондим. Бу сафар ҳам қўтулиб қолди... —

— Хафа бўлмангиз, Амир соҳибқирон, вақти соати келади!.. — деб қўйди қаттиқ даргда чақилиб ақингинада оёққа турган, анча озиб кетган Суюрғатмишхон... — Худонинг буюргон кунни бордур!..

Амир Темур ҳали йўлдагидайдек, Тўхтамиш ўлгоннинг келган-келмагани ҳақида сўраб-суриштирганди. Аббос баҳодир қипчоқ билан Муҳаммад Мирақлар Хоразмдан икки фарсаҳ масофада жойлашган Жўйи Қовун суви бўйида турганларида юборган чопарлари хабарига қараганда, ўшанда ҳали Тўхтамиш ўлгонни топа олмаган эканлар.

Кўп ўтмай мулозимингиз: — Авлоди Чингиз, шавкатли Тўйхўжа ўлгон дилбанди Тўхтамиш ўлгон жаоблари зиёратингизга мунгазирдурлар! — деган овози кўринишонани тутди.

— Кирсун! — ижозат берди соҳибқирон. Ҳамма гўёки фавқулодда мўъжиза юз бериш кутилиётгандай бир алфозда беихтиёр кўринишонанинг нақшкоркур эшигига юз бурди!..

Даставвал Муҳаммад Чурога додхонинг Амир Темурниқиндан чоғроқ жуссаси кўринди. Одатда узоқдан келган меҳмонларни олиб кириш унинг зиммасига юклатилган эди. Бироз фурсат ўтгач, йигирма ёшлардаги дуркун йигит кўринишонага дадил кириб қолди. Эгнига этаги ер сулуғурдан узун қора чакмонни елвагай ташлаб олганидан бўйи яна ҳам баландроқ, салобатлироқ кўринарди. У оstonадан икки қадамча ўтиб тўхтади ва турган жойида

тахт томонга қараб эглиб таъзим бажо келтирди!..

Бу Тўхтамиш ўлгон эди.

Ортидан Аббос баҳодир қипчоқ, Алибек кўнғирот, Ўрун Темур, Ок Буга бахрин ва Муҳаммад Мирақлар пайдо бўлдилар. Улар кўринишона маҳобатидани ёки рўбарўда эллик қадамча нарида хашаматли олтин тахтада кўр тўкиб ўлтирган Амир Темур салобатидани ўзини бироз йўқотиб қўйган Тўхтамиш ўлгон кулоғига нимандир шивирладилар. Чамаси, улар Тўхтамиш ўлгонга ўзини қандай тутиш, соҳибқирон билан кўришганда нима дейиш ҳақида маслаҳатлар беришган кўринарди. Меҳмон шу заҳотиёқ қад ростлади, кўринишонага қандай дадил кириб келган бўлса шундай алфозда олтин тахтага қараб юрди.

— Хўрдади йигит акан... — пичирлади Амир Довуд дуғлат ёнидаги амирул умарога.

— Фарзиндай қоматига қарангиз!.. — Чингизхон авлодидан кўз узмай деди Амир Жоку барлослар.

— Қадам олишига боқингиз! Бургутдай шиддатли!.. Тушундик... — сўз қўйди Амир Мусо ҳам.

— Доно йигит кўринарди... — ўзига ўзи дегандек пичирлади шайхулислом.

Хожа Абдулмалиқнинг саллаби боши узоқдан қараганда савоғи паства қилиб қўйилган ноққа ўшаёқ кетарди, юзи иягига қараб қичрайиб борган, учли янгда тўртта-бештагина соқол кўзга ташланарди. Хамиша чиройли гулдор тасбеҳни қўлдан қўймаё, хатто дуога ҳам тасбеҳ билан қўл кўтарар, “хожаи қоинат” сўзларини яхши кўрарди.

— Хон авлоди-да, паллак тоза... паллак... — қойил қолди Амир Улжайту опарди.

Амир ОкБуга найман қўлини тўлдириб кетмон соқолини силаб қўяркан, “маъқул!” дегандай бош тибратиб қўйди.

Аммо Суюрғатмишхон Тўхтамиш ўлгон ташрифтдан хўрсанд эмаслигини яшириб ҳам ўтирмади. Узи қотманган келган, кейинги пайларда сал озиб қолган хон ўтирган жойида қимирлаб-қимирлаб кўрди. Тўйхўжа ўлгон валади ташриф буюрармиш, деган гап чиққанидан бери у оромидан айрилди. Рақиб келмоқда эди, рақиб! Қорасини ўчирсин эди ўша Дашти Қипчоқ томонларда!.. Гарчи ўзи ҳам чингизийлардан-дир, лекин бугунги кунда уларга ишониш қийинлигини тан олади. Амир соҳибқирон содда одам, бирон қимса кўз ёши қилиб келса, нима деса ишониб кетаверарди. Амир бунини Амир Темур Кўрагон ҳазратларига қандай айтади?

Тахтнинг чап томонида ўлтирган Мир Сайид Барака меҳмонга боқаркан, беихтиёр кўнглига қандайдир нохуш нарса сояси ёмирилаб кириб олганини сезди. Нега шундай бўлганини англай олмади. Голибо, Амир Темурга ниғоҳ ташлаганда, Абдулмансур Абдулмузаффарнинг чехрасида қувонч ва мамнунлик аломатларини кўрди—ю кўнглидан хар хил гумонларни нари кувди. “Амир соҳибқирон одам танлашда асло адашмайдилар...” — кўнглидан ўтказди пири муршид ва хотиржам бўлди.

Амир Темурга узоқдан келаётган Тўхтамиш ўлгоннинг такаббурона қадамлари негадир ёқмади. Амир бунини билиб билмасликка олиши, нисбатан яхши муомала қилиши, иложи бўлса, салтанат йўлида ундан фойдаланиши керак. Қани, кўрсин-чи... —

Тўхтамиш ўлгон тахтага ўн қадамча қолганда: “Ассалому алейкум, жаноби олийлари!” деди, сўнг бориб тиз чўқди—да, Амир Темурнинг чеккаларига нақшнинггор зар босилган оқ банот тўни пешини уч марта ўпиб қўзларига суртди. Кейин ортга чекинди—ю тўхтади ва бош эгиб таъзим қилди:

— Отасизмен, Амир соҳибқирон, отасиз қолганмен... Отам ўрнида ота бўлингиз! Мен тутинган ўлгингиз бўлай! Уғил бўлай деб келдим!..

Меҳмонни яқиндан кўрган Амир Темур ёқа тутар даражада хайратда қолди. Одам ҳам одамга шунчалар мэнгзар экан—а!. Во-ажаб! Тўхтамиш ўлгоннинг Жаҳонгир Мирзоникидек залворли эмас, ингичкароқ, бироз ёқимсизроқ овозини демаса, Тўхтамиш ўлгон кўнғиб қўйгандай... Жаҳонгир Мирзонинг нақ ўзи эди! Бўйи ҳам, келбати ҳам... Агар амривоқда нисбатан хонзонданнинг дадилроқ юриши, шиддатлироқ ниғоҳи демаса, улар бир-бирларига жуда ҳам ўхшар эдилар. Халлоқи безаволга салланмо!

Давоми  
келгуси сонда.



**ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР**

Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими томонидан, ваколатли органлар қарорларига асосан давлат даромадига ўтказиш ва қарз ҳисобига ундиришлик учун хатланиб банд солинган автомобилларнинг воситаларининг очик кимосиди савдосини ўтказиш.

2005 йил 30 июнь кунинда куйидаги автомобилларнинг воситаларининг кимосиди савдолари ўтказилади:

1. "Ауди А8" автомобили, 1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси А 864 SFM, бошланғич нархи 9 000 000 сўм, техник соз.

2005 йил 22 июль кунинда куйидаги автомобилларнинг воситаларининг кимосиди савдолари ўтказилади:

1. «Пежо-206» автомобили, 2002 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 W 6776, бошланғич нархи 20 000 000 сўм, техник соз;

2. «Даймлер-Бенц-280» автомобили, 1999 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 G 1113, бошланғич нархи 30 000 000 сўм, техник соз.

**Кимосиди савдолари соат 16-00да бошланади.**

Савдода иштирок этишга ариза қабул қилиш кимосиди савдоси эълон қилингандан 3 кун аввал тўхтатилади.

Кимосиди савдоси суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими биносига ўтказилади.

**МАНЗИЛ: ТОШКЕНТ ШАҲРИ, УСМОН ЮСУПОВ КЎЧАСИ 3-УЙ 2-КАВАТ.**

**МАЪЛУМОТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР: 144-54-08, 41-16-38.**



*Урашувлар*

**ҚАЛБЛАРДА СЕВИНЧ, ЮРАКДА ЗАВҚ УЙФОТДИ**

**Жаҳоннинг шодлиги йнғилса буткул Дўстлар дийдоридан бўлолмас устун! А.Рудакий**

**Дарҳақиқат дунёда меҳру вафо, дўсту биродарлик, соғинган кўнгилларнинг дийдоридан ҳам ортиқ бойлик йўқ бўлса керак наздимизда.**

— Қалби куёшдек порлаб турган азиз тенгдошлар, кимматли синфдошлар, нурли қошонага минг бир ҳаяжон билан илк қадамни кўйган кунингиз ёдингиздами. Инсон ҳаётида шундай азиз, унутилмас соғиналар бўладики, бир-бирига интилган қалблар соғинчини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди, — дея ўтли, оташин руҳ билан сўғрилган сўзлар Шайхонтоҳур тумани Транспорти касб-хунар коллежидида соғиқ синфдошларнинг мактабини битирганларига 50 йил тўлишига бағишланган катта байрам кечасида янгради. Айтиб ўтиш жоизки коллеж биноси илгари 8-ўрта умумтаълим мактаби бўлган эди. Мактабини 1955 йилда битирган синфдошлар, уруш йилларининг болалари, ўша вақтда қанчаллик қийинчиликлар бўлишига қарамасдан илм-маърифат йўлини танлаганлар, машаққатлардан чўчимай "игна билан кудўқ қазийди" меҳнатнинг бошини тутганлар. Шунинг учун ҳам улар орасида тиббиёт фанлари доктори, профессор, дунё миқёсида тан олинган онколог олим Ақром Фозилов, давлат арбоби Убай Абдуразоқов, таниқли шоир ва драматург Хайдар Муҳаммад, турли соҳаларнинг етук мутахассислари, фан номзодлари бор. Улар мустақиллик йилларида ҳам эл-юрт манфаати учун фидойилик билан меҳнат қилаётган олим, ёзувчи, педагоглардир.

"Синфдошларнинг олтин тўйи — 50 йил» деб номланган ушбу ажойиб байрам кечасида бўлган ҳар бир иштирокчининг ширин каломи, меҳрли нигоҳлари, самимий дил сўзларидан қалбларда бир олам муҳаббат гунчаларини бўлса ажаб эмас. Умрининг мусаффо, покиза баҳори, мактабда ўтказилган ҳар бир кунни, унинг қадр-қиммати, устозлардан билгим билан лаҳза-қилмири бирма-бир соғинч билан эслаётганларининг ўзиёқ ўтаётган умрининг ҳар дами ганимат эканини, яхшилик қилишга, ўзингдан яхши ном қолдиришга шошилиш кераклигини ёдга солди, десак асло муболага бўлмайди. Шунингдек тадбирда турмуш қурганларига 50 йил тўлган Ёқубжон Набиевнинг олтин

тўйи ҳам синфдошлар, фарзандлар, набираю зваралар даврасида катта тантанга билан нишонланди. Яна Эркин Орипов, Аҳмад Султонов, Мирзохид Қосимов, Абдуманноп Султоновларнинг муборак 70 ёшларини ҳам дўстлар шодумонлик билан олқишладилар.

Тадбирда сўз олган Сирожиiddин Мақсудов, Ақромжон Фозилов, Хайдар Муҳаммад, Абдуманноп Тожиёв, Ёқутхон Дўстмухаммедова, коллеж директори Соҳижон Маҳмамовларнинг чиқишлари шу коллежда таълим-тарбия олаётган талаба-ўқувчиларга ибратли сабоқ бўлди.

Таниқли драматург ва шоир Хайдар Муҳаммаднинг янги китоблари тақдими тои эса байрамга янада файз бағишлади. Эл эъзозидидаги Исроилжон ва Исмоилжон Ваҳобов каби таниқли хонандаларнинг дил нолалари, карнай-сурнайнинг ажиб навоси барчани даврага қорлаб, ушбу тадбирнинг қатнашчилар қалбидида узок вақт сақланиб қолишига хизмат қилди.

Биз ҳам табарруқ ёшларидида бир-бирларини йўқлаб, садақату вафо кўрсатиб, яхшилик улашиб келаётган азизу муқаррам инсонларга боқий умр, тани-сиҳатлик, хонадонларидида ҳаммиша меҳр куёши чарақлаб туришини тилаб қоламиз.

**Яхшилик ҳар кимнинг кўлидан келмас, Мард одам хизматини ҳеч миннат қилмас, Дунёда қолдирсанг ўздан яхши ном — Ҳаётнинг бостири хам хаузон бўлмас. Шоира МУХАМЕДОВА СУРАТЛАРДА: тадбирдан лавҳалар. Ҳақимжон Солихов олган суратлар.**

**ЎРТА МАХСУС КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ МАРКАЗИ ТОШКЕНТ РАДИОТЕХНИКА ВА АВТОМАТИКА КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ**

2005-2006 ўқув йилига куйидаги мутахассисликлар бўйича умум таълим мактаб битирувчиларини қабул қилади.

- Радиотехника ва телеаппаратураларини таъмирлаш ва ишлатиш.
  - ЭХМ оператори, ЭХМ дастурчиси. Компьютер тармоқлари жиҳазларини ўрнатиш.
  - Компьютер ва офис жиҳазларини таъмирлаш ва ишлатиш.
  - Учишнинг ердаги радиотехника таъмирлаш воситалари ва техник фойдаланиш.
  - Уй жиҳазларини таъмирлаш устаси.
  - Электрон техника махсулотларини йиғиш.
  - Бухгалтерия ҳисоби.
  - Офис менежери.
  - "В" тоифали хайдовчи
- Ўқиш муддати — 3 йил
- Тўлов контракт асосида 11-синф битирувчилари учун:
1. ЭХМ ва автоматлаштирилган тизимлар учун дастурлаш.
  2. Радиотехника ва телеаппаратураларини таъмирлаш ва ишлатиш.

- Ўқиш муддати 2 йил, ўқиш шакли кундузги
- Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.
- Хўжжатлар 15 августга қадар қабул қилинади.
- Қўшимча маълумотни: 116-60-71, 116-76-16 телефонлари орқали олиш мумкин.
- **Маълумлик: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани 20-маҳалла, Катта-Қази кўчаси, 52-уй, Транспорт: 69-автобус "Радиотехника коллежи" бекати.**
- **17-трамвай "Радиотехника коллежи" бекати.**
- **9-11-54-маҳсул йўналишидаги такси охири бекати.**
- **6-троллейбус охири бекати.**
- **Консултатив марказ қабул вақти 8.00 дан 19.00 гача**
- **Шабада кўзи 8.00 дан 18.00 гача.**

*Мунажжим башорати*

**АФСУСЛАНАДИГАН ИШ ТУТМАНГ**

**21 ИЮНЬ, СЕШАНА**

Шахсий ҳаётингиз муаммоларига ортиқча ўралашиб қолмаслик, ижодга ҳаддан зиёд берилиб кетишдан ва ҳафсалангизни пир қиладиган ишларга қўл уришдан ўзингизни тийишни мунажжимлар қатъий тавсия этишади.

Яна мунажжимлар бу кунни давлатлар кунни ҳам деб аташган. Уларнинг фикрича, бугунги кун шунчалик муҳимки, агар ҳар қандай эзгу ишни бугун бошламаса, бугун бир ойлик умр зое кетиши мумкин. Шу кунни тутилганлар ҳаммиша нимагадир даъват этилган бўлишади.

Бугун бошқалар маслаҳатларига қулоқ тутиш, ҳар қандай даъвату синалган ва тақдир белгиларига эътибор қилиш керак. Айниқса, сизни ким ва қайқанда даъват этаётганига алоҳида диққат қилинг: зеро, бу сизнинг ёруғ дунёдаги тутган ўрнингиз ва мавқеингизни билиб олишингизга ёрдам беради.

Лекин, маълумки, яхши ниятнинг ўзи кифоя қилмайди. Шунинг учун ҳам сизнинг яхши ниятларингиз амалий ишларингизга натижаларига мос тушиши керак. Жумладан, сизга яхшилик қилолқимчан деб, бошқаларга ўз сўзингизни ўтказишингиз мумкин эмас. Ҳар бир инсон ўз ҳаёт йўлини ўзи танлаган йўли учун тўла масъулиятни ўз зиммасига олади. Ҳар бир инсон ўз қилмиши учун Аллоҳ ва инсонлар олдида жавоб беради.

Соатнинг тўсатдан тўхтаб қолиши, шунингдек, калит йўқолиши бугун энг ноҳусу аломатлар ҳисобланади. Идиш синиши, туз тўкилиши ёхуд ёмғир остида қолиш ҳам синовлар ва дилжираллиқларга ишора. Маъдан ёки ялтироқ буюм топиб олишингиз

эса — омад ва муваффақиятлар белгиси. Бугун тирноқ олиш, соч олдириш мумкин эмас.

Агар тушларингиз ёрқин ва куёш кўтарилигандан кейин кўрилган бўлса, башоратли ҳисобланади. Уларни эслаб қолиш ва ҳатто ёзиб қўйиш чакки бўлмасди.

Кўларингизни толиқтирманг, жиғар ва қораталоқни эҳтиёт қилинг. Оғир ва кўй гўштидан пишirilган тасмлар бугун тавсия этилмайди. Суюқликни камроқ истеъмол қилиш керак.

Оқ, қизил, настиранг ранг либослар бугунги кунга маъқул бўлади. Қулранг, яшил ва сариғи ранглардан нарироқ бўлинг.

**БУГУНГИ КУНДА:**

— анчагина мураккаб ва ўзингиз учун ноқулай ҳисобланган иш билан шуғулланиш;

— нотариус, адвокат билан мулоқотда бўлиш, ҳуқуқий маслаҳатлар олиш;

— ўз оғри ва мавқеингиз ҳақида қайғуриш;

— кун воқеаларини мумкин қадар ҳолис баҳолашга интилиш;

— интеллектуал меҳнат ва жамоат ишлари билан шуғулланиш;

— малакангизни ошириш, ўқиш-ўрганишга кўпроқ эътибор қилиш тавсия этилади.

Кимордаги омаддан, керагидан ортиқ гапириб юбориш, жоғира тўлаш, фитанлар уюштириш, жуда фойдали тулган тақдирларни қабул қилишдан эҳтиёт бўлинг.



**Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ**

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:**

хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65; факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табақ, офсет усулида босилади. 3684 нусxada босилди. Қўроғи биринчи А-3

**Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.**

*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*  
**Нашр кўрсаткичи — 563**

Нашрига стезабериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамини»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва сақланганлиги.

«Шарқ» нашриёт-матбос ақсардорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.